

### 3-мавзу. Кунгабоқар етиштириш технологияси

#### Режа:

1. Кунгабоқар экишга ер тайёрлаш.
2. Кунгабоқар уруғини экиш.
3. Кунгабоқар ўсимлигини парваришлаш.
4. Озиқлантириш ва суғориш
5. Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари
6. Ҳосилни йиғиштириб олиш.

#### 1. Кунгабоқар экишга ер тайёрлаш

Республикамызда кунгабоқар экишга ерни тайёрлаш икки усулда олиб борилади:

1. Кузги бошоқли дон экинларидан кейин экишга ер тайёрлаш.
2. Асосий экин сифатида эрта баҳорда ер тайёрлаш.

**Такрорий экин сифатида экишга ер тайёрлаш.** Бошоқли дон экинлари ўриб-йиғиб олингандан сўнг, кунгабоқар экиладиган тупроқнинг табиий намлиги етишмаганда гектарига 600-700м<sup>3</sup> меъёрида суғорилади. Сув катта миқдорда очилади ва дала охирига етиб бориши билан тўхтатилади. Ер етилиши билан ўсимлик учун мўлжалланган фосфор ва калий ўғитларининг барчаси шудгордан олдин солинади. Экин майдони 30-35см чуқурликда хайдалади, кейин борона ва мола қилинади, шунда тупроқ экишга тайёр бўлади.

**Эрта баҳорда кунгабоқар экишга ер тайёрлаш.** Кузда ерни шудгорлашдан олдин тупроққа фосфор ва калий ўғитларининг йиллик миқдори берилади. Сўнгра ерлар ноябрь ойининг 20 кунигача 30-35см чуқурликда шудгор қилинади. Баҳорда (март ойининг охириги декадаси) тупроқда нам сақлаш мақсадида борона қилинади. Экиш олдида эса (март ойининг охири ва апрелнинг бошларида) ерлар мола билан бостирилади.

**Алмашлаб экиш.** Кунгабоқар экилган далага яна кунгабоқар экиш учун орадан қанча вақт ўтганлигини, ўтмишдош экин турини ҳисобга олиш зарур. Кунгабоқар учун энг яхши ўтмишдош экин - кузги бошоқли дон экинлари (буғдой, арпа), силос ва дон учун экилган маккажўхори ҳисобланади.

Кунгабоқар экилган далага 3-4 йилдан кейингина қайта экилиши лозим.

Ушбу муддатда тупроқда узоқ муддат сақланиб қоладиган шумғия паразит ўти, оқ ва кул ранг чириш, сохта ун шудринг каби касалликни кўзгатувчи замбуруғлар нобуд бўлади.

#### 2. Кунгабоқар уруғини экиш.

Кунгабоқарнинг экилаётган навлари Давлат стандарт талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт. Эртапишар навларнинг 1000дона уруғи вазни 60 граммдан кам бўлмаслиги керак. Кунгабоқар уруғи махсус агрегатлар ёрдамида ёки қўлда тозаланади. Уруғнинг унувчанлиги 95%дан кам бўлмаслиги шарт. Уруғни экишдан олдин қуёш нурларига ёйиб қиздирилса, уруғ тез ва текис униб чиқади.

Кунгабоқар ўсимлиги вегетация даврида бир қатор зараркунандалар ва касалликлар билан зарарланади. Шунинг учун кунгабоқар уруғини экишга тайёрлашнинг асосий қисмларидан бири – бу касалликларга қарши кимёвий препаратлардан фойдаланиш ҳисобланади. Витарос 4л, Максим 2л, ГМК (гумат натрий 1,5кг+1,0кг мисс купорос), Бранотак 6,0кг каби кимёвий препаратларнинг бири билан бир тонна уруг экишдан олдин дориланади.

Кунгабоқар уруғи экиш олдидан тупроқнинг юза қатламида ҳарорат 10-12°Сга етганда март ойининг охирида ёки апрел ойининг бошларида, такрорий экинлар сифатида эса кузги бошоқли дон экинларидан кейин июн ойининг ўрталарида 1 июлдан кечикмасдан экилиши керак. Бунинг учун ерлар тезда енгил гектарига 600-700м<sup>3</sup> меъёрида суғорилади, етилгач 28-32см чуқурликда шудгор қилинади. Экиш олдидан тупроқдаги намликни сақлаш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида борона ва мола бостирилади.

**Кунгабоқарни экиш меъёри.** Уруғликнинг хўжалик жихатидан яроқлилигига қараб ҳақиқий экиш миқдори белгиланади. Бунинг учун тавсия қилинган экиш миқдори уруғнинг хўжалик жихатидан яроқлилик фоизига бўлинади ва ўзгармас сонни 100га кўпайтирилади. Мисол учун уруғликнинг тозалиги 96%, уруғликнинг униб чиқиш даражаси 94% бўлганда, уруғликнинг хўжалик жихатидан яроқлилиги:

$$(94 \times 96) : 100 = 90,24 \text{ фоизга тенг.}$$

Агар экиш нормаси гектарига 5кг тавсия қилинса, уруғнинг ҳақиқий экиш нормаси қуйидагича бўлади: **(5x100):90,24=5,5 килограммга тенг.**

Шунда кунгабоқарнинг экиш нормаси гектарига 5,5кг.ни ташкил этади. Кунгабоқар бир қаторлаб, қатор оралиғи 70см қилиб экилади. Экиш схемаси 70x20, 70x30 бўлганда, кўчат қалинлиги мос равишда гектарига 42 ва 56минг донани ташкил қилади. Уруғи тўлиқ униб чиққандан сўнг яғана қилинади. Чопиқ ва культивация қилиш вақтида кўчат қалинлигининг камайиб кетишини инобатга олиб, мақбул кўчат сонини қолдириш керак.

### **3.Кунгабоқар ўсимлигини парваришлаш.**

Ниҳоллар ўсиб чиққандан кейин уни ёшлик пайтида парваришлашга катта аҳамият бериш керак. Чунки кунгабоқар ўсимлиги 30-35 кун давомида жуда секин ўсади, бу вақтда асосан илдиз тизими яхши ривожланади. Кунгабоқар такрорий экин сифатида экилган майдонларда ниҳоллар униб чиқиши билан гектарига 600-700м<sup>3</sup> меъёрида эгатларни бостирмай суғориш керак.

Кунгабоқарни яхши ўсиши ва ривожланиши учун мақбул ғовак қатлам барпо қилиш, тупроқда намни сақлаш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида қатор ораларига ишлов берилади. Культивацияни КХТ -4, КХУ -4 маркали ва бошқа замонавий культиваторлар ёрдамида амалга оширилади.

Биринчи культивация ниҳолларнинг бўйи 8-10см бўлганда культиваторнинг ишчи органларини ўсимликдан 7-8см узоқликда, ротацион мосламаларни 5-6см, пичоқларни 6-8см, ўткир учли ғоз панжаларни 10-12см чуқурликда ўрнатиш керак. Иккинчи культивация 2-3та чинбарг чиқарган вақтида, агар бегона ўтлар кўп бўлса пичоқлардан, кам бўлса юлдузчали ва

майда (кко) ишчи жихозлардан, кейин наральниклардан ҳамда ғоз панжалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ишловда ҳам химоя зонаси 7-10см. ни ташкил этиб, майда жихозлар 6-8см, наральниклар 8-10см ва ғозпанжалар 12-14см чуқурликда ўрнатилади. Учунчи культивация даврида химоя зонаси 8-10см. ни ташкил қилади ва четки жихозлар 6-8см, ўртадаги органлар 14-16см чуқурликда жойлаштирилиши лозим.

Кунгабоқарнинг қатор ораларига ишлов бериш ўсимликларни ўсиш, ривожланиши ва тупроқ намлигига қараб неча марта ўтказиш белгиланади. Ўсимлик бўйи 80-100см. га етганда қатор ораларига ишлов бериш тўхтатилади.

#### **4.Озиқлантириш ва суғориш**

Кунгабоқарни ўз вақтида унинг талабига қараб озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун кунгабоқарга қўлланиладиган минерал ўғитлар миқдори ва муддатини тўғри белгилаш сифатли ва юқори ҳосил олиш имконини беради. Кунгабоқар тупроқ унумдорлигига ҳамда азот, фосфор ва калийга жуда талабчандир.

Кунгабоқар ўсиш даврида, яъни гуллаш давригача энг тез ўсиб, тупроқдан фосфор ва калийни кўпроқ ўзлаштиради. Азотли ўғитлар билан эса асосан вегетация даврида озиқлантирилади. Кунгабоқарнинг эртапишар навларида минерал ўғитларнинг энг мақбул меъёрлари N200 P150 K200 кг/га. ни ташкил этади. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик миқдорининг 100% шудгордан олдин, азотли ўғитларни эса экин ўсув даврида бериш яхши Замара беради. Биринчи озиқлантириш (азот йиллик нормасининг 50%ини) ниҳоллар ёппасига униб чиққандан кейин 20-25-куни ўсимликдан 12-14см узоқликда 12-15см чуқурликка, иккинчиси (азотнинг қолган 50%ини) гуллаш олдидан ўсимликдан 20-22см узоқликда 14-16см чуқурликка солиниши мақсадга мувофиқ.

Мой олиш учун етиштирилаётган кунгабоқардан мўл-ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири ўсимликнинг сувга бўлган талабига қараб уни сув билан етарли даражада таъминлашдир. Кунгабоқар ўсимлигини сув билан етарли таъминланмаганда унда бўладиган физиологик жараёнлар бузилади, натижада ўсимлик ривожланиши ва ўсиши секинлашиб, ҳосилдорлиги камаяди. Сув билан таъминлаш керагидан ортиқча бўлган тақдирда ҳам ўсимдик бош пояси ўсиб, саватчаларни тугиш жараёни бузилади, натижада ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Кунгабоқар ўсимлигидан юқори ҳосил олиш учун суғориш миқдори ва унинг муддатларини билиш зарур. Кўпинча фермерлар кунгабоқар ўсимлигининг суғориш муддатларини унинг ҳолатига қараб ёки календар кунларга қараб белгилашади, оқибатда олинадиган ҳосил сифати ёмонлашади. Суғориш муддатларини белгилашда энг аниқ туғри усул тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимига (ЧДНС) қараб белгилашдир.

Ғалладан бўшаган майдонга кунгабоқар экишдан олдин дала 600-700м<sup>3</sup> /га миқдорда суғорилиши лозим. Бу суғориш шудгорлаш вақтида катта кессаклар кўчмаслиги ва намни сақлаш учун зарур.

Кунгабоқар асосий экин сифатида асосан март ойининг охири ёки апрелнинг бошларида экилади ва тупроқнинг табиий намлигига ундириб олинади.

Кунгабоқар ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун суғориш тартиби чекланган дала нам сифмига нисбатан (ЧДНС) 70-70-60 фоиз бўлиши лозим.

Кунгабоқарни механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда гектарига 700-800м<sup>3</sup> меъёрида суғорилади. Суғориш ишлари тупроқнинг механик таркибига ва сув сифдириш қобилиятига кўра 3-4 марта ўтказилади.

### **5. Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари.**

Кунгабоқар турли касаллик ва зараркунандаларга чалинувчи ўсимликдир.

Мамлакатимизда экиладиган кунгабоқар ўсимлигига –сохта ун шудринг, оқ чириш, кулранг чириш, занг ҳамда илдиз чириш, фузариоз ва вертициллийоз сўлиш, аскохитоз каби касалликлар катта зарар келтиради.

Кунгабоқар касалликларининг бирламчи инфекция тарқалиш манбаларига қараб улар икки гуруҳга бўлинади: тупроқ орқали юқадиган касалликларга - кул ранг чириш ва фузариоз ( илдиз чириш), оқ чириш (кунгабоқар саватчаларининг чириши), вертициллийоз сўлиш, аскахитоз ва бошқалар киради.

Ҳаво орқали юқадиган касалликларга ун шудринг, сохта ун шудринг, занг, септариоз ва бошқалар мансубдир.

**Сохта ун шудринг** касаллигининг асосий белгалари, ўсимликнинг бўйи пак-пакана бўлиши, поянинг йўғонлашиши, бўғинларнинг ораси яқинлашганлиги, баргнинг бужмайиб кичрайиши, баргларнинг устида сариқ доғлар, орқа томонида эса замбуруғнинг оқиш рангли тарқалувчи споралар тўпламининг пайдо бўлиши билан белгиланади. Касалликнинг биринчи белгилари ўсимлик 3-4 чин барг чиқарганда кўрина бошлайди. Бу касаллик натижасида олинадиган ҳосилнинг 25% гача қисми нобуд бўлиши мумкин.

**Занг касаллиги** баҳорда ниҳолларнинг уруғ паллалари ҳамда 1-2 чин барг чиқарганида баргларда дастлаб сарғиш-яшил, кейин сарғайган доғлар сифатида пайдо бўлади. Баргнинг юқори сатҳида замбуруғнинг шарсимон бўртмаси ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Кейинчалик баргнинг пастки қисмида оқиш-тўқ сариқ, кукунсимон ёстикчалар ҳосил бўлади. Касалланган ўсимликда физиологик жараён бузилиши оқибатида, барглар сўлиб қурийдилар, ўсимлик ривожланишдан орқада қолади ва саватчаларда пуч қурушқоқ уруғлар ҳосил бўлади. Шу туфайли, ҳосилдорлик пасайиши билан биргаликда уруғлар таркибидаги мой миқдори ҳам кескин камаяди.

**Оқ чириш (саватчаларнинг қуруқ чириши)** касаллиги сернам ва салқин (15-18°С) ҳавода, экин зич ва чуқур экилганда, азотли ўғитлар меъёрдан кўп берилганда кунгабоқар ўсимлигининг барча фазасида пайдо бўлиши мумкин. Униб чиқиш фазасида касалланган ўсимлик нобуд бўлади. Касаллик 3-5 чин барг фазасида ўсимликни зарарласа поянинг ранги кўкиш жигар ранг тусга киради ва тез синувчан бўлиб қолади, ўсимлик катта бўлганда касаллик илдиз бўғзида учрайди. Айниқса кунгабоқарнинг пишиш даврида саватчани қаттиқ

зарарлайди. Бу касаллик билан зарарланган майдонларда ҳосил 15-20% фоизгача камаяди.

**Қорамтир ( кўкиш чириш )** касаллиги билан кунгабоқарнинг ўсув даврида барча вегетатив ва генератив органлари зарарланади. Ҳаво намлиги юқори бўлганда ўсимлик ниҳолларининг уруғ паллалари ва 1-2 чин барглари касалланади. Касаллик поянинг пастки қисмини чириган қора доғлар билан ўраб олади ва 5-7 кундан кейин касалланган жойни қалин кўкимтир замбуруғ спораси-чангсимон моғор босади. Касалланган ўсимлик сўлийди ва нобуд бўлади. Бу касаллик фақат ўсимликнинг поясидагина эмас, баргида, баргнинг бандида, пишиб етилаётган ва пишиб етилган саватчаларда ҳам кўплаб учрайди.

**Кул ранг чириш ва фузариоз** – кунгабоқарнинг илдиз чириш касаллиги ҳисобланади. Ўсимликнинг дастлабки фазаларида касалликнинг тарқалишига иссиқ ва қуруқ оби-ҳаво туфайли тупроқда пайдо бўлган қатқалоқ сабабчи бўлади. Ўсимлик вегетациясининг бошланиш даврида замбуруғларнинг ўсиши ва мицелийларнинг ўсимликка кириши илдиз орқали содир бўлади. Касаллик пайдо бўлишининг ташқи белгисини – гуллашдан олдин ўсимлик баргларининг сарғайиши ва қуриши билан аниқлаш мумкин. Кейинчалик поянинг ўзагида қорамтир доғ пайдо бўлади ва у кул ранг тусга киради, вақт ўтиши билан бу доғлар ўсимликнинг асосан юқори қисмида кўпаяди. Бу касаллик кейинги даврда кунгабоқар саватчаларини қаттиқ зарарлаб, уларнинг чириб кетишига ва батамом синиб кетишига сабаб бўлади. Бу касаллик билан зарарланган майдонларда ҳосилнинг 25-30 фоизи йўқотилади.

**Савтчаларнинг қуруқ чириши** – бунда кунгабоқар саватчаларининг замбуруғлар билан зарарланган жойи қурийдди, қаттиқ тегиб кетса уқаланиб (бўлиниб) кетадиган бўлиб қолади. Замбуруғ саватчаларнинг юзасида ёйилиб, уруғларнинг орасига жойлашади, уларнинг ранги оқиш чангсимон бўлади. Замбуруғлар уруғнинг ичига кириб олади, натижада уруғлар майда, мазаси эса тахир бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг кунгабоқар экилган далаларида касалликлардан ташқари, кунгабоқар парвонаси, кунгабоқар қуяси, илдиз қирқар ва кузги тунламлар, ширалар, кулранг лавлаги узунбуруни, хумбош (кравчик), сассик аленка, қандалалар, каналар, трипслар ва ўргимчакканалар учрайди ва катта зарар келтиради. Қуйида буларнинг ичидан ўсимликка энг кўп зарар келтирадиганларининг тавсифини келтирамиз.

**Кунгабоқар парвонаси** – кунгабоқарнинг энг хавфли зараркунандаси ҳисобланади, чунки бу зараркунанда кенг тарқалган вақтда ҳосил деярли батамом нобуд бўлади. Капалаги кунгабоқар саватчасига 200-300та гача тухум кўяди. Тухумдан чиққан қуртлар дастлаб гулнинг ички қисмини, кейинчалик эса уруғнинг ичига кириб, унинг мағзини ейди. Йил давомида 1-2 авлод беради.

**Кунгабоқар қуяси** – барча кунгабоқар етиштириладиган ҳудудларда тарқалган. Бу қуянинг капалаклари кунгабоқар гуллаш даврида пайдо бўлади ва гулдонларга тухум кўйиб кўпаяди, қуртлари асосан кунгабоқар гули билан озикланади, кейинчалик эса уруғларни еб зарар келтиради.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши агротехник кураш чора тадбирлари.** Кунгабоқар етиштиришда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган ҳолда барча агротехник тадбирлар қулай муддатларда, сифатли ўтказилиши, кунгабоқардан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг замини ҳисобланади.

Кунгабоқар учун энг яхши ўтмишдош экин – кузги бошоқли дон экинлари (буғдой, арпа), ғўза экинлари ҳисобланади. Экинларни алмашлаб экиш кунгабоқар далаларининг зараркунанда, касаллик юқумлари, шу жумладан тупроқда узоқ муддат сақланиб қоладиган касаллик қўзғатувчи замбуруғлар, оқ ва кулранг чириш, илдиз чириш билан зарарланишини камайитиришга имкон беради.

Тупроққа ўз вақтида пухта ишлов бериш – соғлом ва чидамли кунгабоқар ўстиришнинг жуда зарур шартидир. Ер шўрини ювиш, далаларни текислаш, кузги шудгор қилиш, қатор ораларига ишлов бериш, ўсимликни ҳар хил зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялашда катта аҳамиятга эга. Ер шўрини ювишда тупроқда кўп нам тўпланади, зараркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳоллар текис кўкаради, тупроқдаги ҳашорат ва бегона ўтларнинг сони анча йўқолади.

Далаларни текислаш натижасида ниҳоллар бир текис ва қийғос унишига қулай шароит яратилади, зараркунанда ҳамда касаллик тўпланадиган жойлар бўлмайди. Ерларни чуқур ағдариб шудгорлаш зараркунанда ва бегона ўт уруғлари, касаллик қўзғатувчиларни камайтирадиган чорадир.

Фосфорли ва калийли ўғитларни қўллаш ва эрта мақбул муддатларда экиш туфайли униб чиққан ниҳоллар то зараркунандалар пайдо бўлгунча бақувват бўлиб олади, кечроқ экилган далаларда кемирувчи, тунлам, ўсимлик бити ва трипслар тўпланади.

Зараркунандаларни йўқотишда суғориш муддатлари маълум аҳамиятга эга. Тунламлар тупроқда ғумбакланаётган муддатларда суғорилса, улар кўплаб қирилади. Улар сувдан қочиб тепага чиқишади ва уларни қушлар йўқотади.

Ҳосил йиғиб олингандан сўнг ўсимлик пояларини, қолдиқларини йиғиштириб йўқотиш зарур тадбир бўлиб, турли касалликларнинг юқумларини ҳамда ўргимчаккана, ўсимлик бити, ҳашоратлар ва бошқа зараркунандаларнинг камайишига ёрдам беради.

**Кимёвий кураш чоралари.** Касалликларнинг олдини олиш учун, экишдан бир ҳафта ёки 10 кун илгари кунгабоқар уруғини қуйидаги уруғдориллагич препаратларнинг бири билан дорилаш керак: бронотак – 6.0кг, П-4, Ҳимоя, Витарос 4.0 л, Максим – 2.0 л, Винцит 5% - 2л миқдориди 35 литр сувда эритилиб 1 тонна уруғга ишлов берилиб, шамоллатиб, сўнг қоплаб экишга тайёрлаб қўйилади.

Қиш илиқ келганда тунламлар халок бўлмайди, баҳор сернам келганида акация ва полиз битлари кўпайиши кузатилади. Қишнинг совуғига айниқса каналар чидамлидир. Май ойининг 1-2 декадасида кунгабоқарга зарар етказувчи ўргимчакканадан ташқари ўсимлик битлари, трипслар кўпаяди.

Уларга қарши Рогор (Би – 58) гектарига 2литр миқдориди сепилади. Агар ўргимчаккананинг кўпайиши кузатилса, 20кг/га туйилган олтингугурт қўлланилиши лозим.

Агарда зараркунандалардан тунламлар, трипслар, ширалар, каналар, қандалалар мажмуаси аниқланса, Циракс (циперметрин) – 0.3литр/га ёки бензофасфат (фазалон) – 2.5-3.0 литр/га сепилади. Бундан ташқари каналар, трипслар, ширалар, ўргимчакканалар, чигирткасимонлар мажмуаси аниқланса, уларга қарши карбофос – 2.0литр/га ишлатилиши керак. Бу препаратларни кунгабоқарнинг вегетация даврида зараркунандаларнинг кўпайиш сонига қараб 1-2 марта қўллаш мумкин.

Кунгабоқарни 3-4 та чин барг чиқаргунча бўлган даврида кузги тунлам, хумбош (кравчик), лавлаги узун бурун қўнғизларидан ҳимоя қилиш учун экиш билан бирга қатор тагига ёки ёнига бериладиган суперфосфат доналари (60-100кг)га сингдириладиган карбофос гурухига кирувчи инсектицидлардан бирортасини қўллаш зарур. Ундан ташқари, чин барг чиқара бошлаган экин кўчатларига ўсимликка таъсири кам бўлган препаратлар билан ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Асосий кимёвий ҳимоя тадбирлари экин гуллашдан олдин ташкил этилиши керак. Токи қўлланиладиган препаратларнинг таъсир этувчи моддасининг парчаланиши ҳосилни йиғиб оладиган давргача тўлиқ тугаши лозим.

**Биологик усул.** Кунгабоқар зараркунандаларига қарши биологик усул ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Аммо амалиётдаги дастлабки тажрибаларга кўра, кунгабоқар парвонаси личинкаларига қарши бракон энтомофагини гектарига 1000-1500 донадан вегетация даврида 2-3 маротаба тарқатиш юқори самара бериши қайд этилган. Шунингдек, ушбу ҳашорат ва тунламларга қарши трихограмма қўллаш ҳам дастлабки синовни ўтмоқда. Бунда аниқланган тухум миқдорига, паразитнинг зараркунандага бўлган нисбати 1:1 ёки 1:2 қилиб олиниши тавсия этилади. Масалан ҳар гектарда 20 минг тухум борлиги аниқланса, шу далага 20 минг кушанда қўйилади.

## **6. Ҳосилни йиғиштириб олиш**

Кунгабоқар уруғининг сифати бузилиши ва бир қисм ҳосилини нобуд бўлиши асосан ҳосилни йиғиб олиш муддатига боғлиқ. Ҳосилни йиғиб олиш муддатини белгилашда ўсимлик биологияси (пишиш фазаси), об-ҳаво шароити ва хўжалик имкониятлари ҳисобга олинади.

Қулай об-ҳаво шароитларида кунгабоқар уруғининг физиологик пишиш даврининг 15-18-кунлари, яъни уруғ намлиги 12-14 фоизни ташкил қилганда ҳосилни ўриб-янчиб олишга киришилади.

Кунгабоқарни мослаштирилган юқори унумли КЕЙС, Класс – Доминатор ва бошқа ўрим комбайнлари ёрдамида ўриб-йиғиб олинади. Ҳосил йиғиштириб олингандан кейин қолган пояларни турли усулларда кесиб олиниб, даладан олиб чиқилади.

Ҳосилни йиғиб олгандан сўнг кунгабоқар уруғи дон тозалаш агрегати ёрдамида турли аралашмалардан тозаланади. Тозаланган уруғ курук, шамоллатиб туриладиган омборларда сақланади.

